
"ХАЙР, АЗИЗ МАКТАБИМ!"

"ХАЙР, АЗИЗ МАКТАБИМ!"

"Сўнги қўнғироқ". Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, бугун Сўх туманининг барча умумтаълим мактабларида 2021-2022 ўқув йилининг якунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Барча 11-синф битирувчиларига нурли келажак сари сўнги қўнғироқ садолари остида йўлланма берилди.

Туман таълим муассасаларида бўлиб ўтган тадбирларда барча битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг йўллаган табриги ва мурожаатлари ўқиб эшиттирилди.

Қалъача маҳалласининг 3-сонли ИДУМдаги ташкил этилган тадбирда қатнашиб, туман ҳокими Сайидбахром Сайидмусаев барча битирувчилар ва мактаб жамоасини ушбу унутилмас кун билан табриклади. Барча битирувчи ўғил-қизларга келажакда жамиятда ўз ўринларини топишлари ва Ватаннинг содиқ фарзандлари бўлиб етишлари учун яхши ният ва тилаклар билдирилди.

Тадбир давомида ўқув йилида фаол бўлган ва намуна кўрсатган ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирдан сўнг туман ҳокими битирувчи ўғил-қизлар билан сўхбатлашди ва уларнинг қизиқишлари билан қизиқди.

Маълумот ўрнида: Сўх туманида 2021-2022 ўқув йилида жами бўлиб 2405 нафар битирувчилар таҳсил олишди, улардан 1491 нафарини 9-синф (732 ўғил ва 759 нафари қиз) ва 913 нафарини 11-синф (390 ўғил ва 523 нафари қиз) ўқувчилари ташкил этади.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-05-25 18:51:28